

□ Бош вазир Абдулҳошим Муталов Америка Қўшма Штатларининг «Каргил энтэрпрайзс инк» компанияси президенти У. Макмиллан бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

□ Самарқандда олий таълим муаммоларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда республикадаги барча университет ва институт раҳбарлари иштирок этдилар.

□ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Марказий Осиё-Америка тадбиркорлики қўллаб-қувватлаш жамғармаси делегацияси аъзолари кеча Тошкентдаги «Кано» фабрикасида бўлдилар. Ана шу жамғарма маблаглари ҳисобига фабрика қувватларини янада ошириш мўлжалланган.

□ Бугун «Халқ сузи» газетасида Қозғистон Республикаси Миллий Фанлар академияси бир гуруҳ академикларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз» ижтимоий ҳаракатини тузиш юзасини қўллаб-қувватлашлари тўғрисидаги хати эълон қилинди.

□ Олим Хужаев номидаги Сирдарё вилоят мусикали драма театрида барча халқининг мумтоз адаби Абай Қўнанбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

□ Кеча валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 27 сум 60 тийин қилиб белгиланди.

ҲАМДУСТЛИҚДА

□ Қозғистон ташқи ишлар вазирлиги мамлакат ҳудудидан барча ядровий қурол-аслаҳа олиб чиқиб кетилганлиги тўғрисида баёнот берди.

□ Беларусьда бўлиб ўтган парламент сайловларининг икки босқичида атиги 120 депутат сайланди. Мамлакат Олий Кенгаши ваколатига эга бўлиши учун парламентга белгиланган 260 нафар депутатдан камида 174 таси сайланиши керак. Ҳозирги ҳолат Беларусь кунунчилигида кузда тўғилмаганлиги сабабли бу ерда парламент танглиги юзага келди.

□ Сахалинда рўй берган муҳим зилзила муносабати билан бугун Россияда мотам эълон қилинди. Энг сўнгги маълумотларга қараганда ҳозиргача Нефтегорск шаҳридаги вайроналар остида 754 киши топилган. Улардан 379 нафари ҳалок бўлган. Россия Президенти Борис Ельциннинг мамлакат фуқароларига муҳожиратда зилзила оқибатида 3 минг нафарга яқин киши ҳалок бўлганлиги, бедарак йўқолганлиги ёки жароҳат олганлиги қайд қилинди. Мутахассислар фикрига қура вайронлаш остида қолган одамларнинг ҳаммасини топиш учун камида 1 ой мuddат талаб қилинади.

□ Утган кун Москвада ҳарорат 31,8 даражага кўтарилди. Бу ана шу вақтда ҳозиргача маълум бўлган энг иссиқ кун экан. Ҳатто бунгача энг иссиқ кун ҳисобланган 1889 йилда 29 майда Москвада ҳарорат 30,8 даражада қайд этилган.

□ АҚШ долларининг Россия рублига нисбатан қиймати пасайиб бормоқда. Кеча 1 АҚШ доллари 4995 Россия рублига тенг бўлди.

□ Германия радиоси тарқатган хабарга қура генерал Жорж Дудавернинг қизи ва невараси яқинба кунни Киевга келган. Дудавер оиласи Грознийни тарк этган 1994 йил декабрь ойидан бери тоғли қишлоқларда беркинб юрган.

ҲОРИЖДА

□ Италия, Испания ва Франция тез ҳаракат қилувчи бирлашган қуроли қўллари ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бу аҳдлашувга Португалиянинг қўшилиши ҳам қўзда тутилмоқда. Ушбу қўллардан Европада тинчликни сақлаш мақсадларида фойдаланиш мўлжалланган.

□ Қоҳирада Фаластин мухториятини кенгайтириш юзасидан Фаластин-Исроил муносабатлари давом этмоқда. Унда ҳозир Исроил эғаллаб турган яна қатор шаҳар ва қишлоқларда ҳокимият Фаластинга ўтиши масаласи муҳокама этиляпти.

□ Бугун чекишга қарши халқаро кун ўтказилмоқда. У «Тамаки сиз ўйлагандан қимматроқдир» шiori остида ўтапти. Ҳаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қура қурраи заминимизда қашандалиқдан қўрилётган ҳар йиллик зарар 200 миллиард долларга етар экан.

ЗАМОНАВИЙ ТУРАР ЖОЙЛАР

Бундан беш-олти йил муқаддам шаҳримизнинг Паркент дехқон бозори атрофида эски пастхатм уйлар бўларди. Устига-устак «Паркент йўли» кўчаси ҳам жуда тор эди. Бу транспорт ва шу ерда истиқомат қилувчиларга анча ноқулайликлар туғдирарди.

Ҳозирги кунда эса бу жойлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Қўчалар кенгайиб, эски уйлар ўрнига янги, замонавий кул қаватли бинолар барпо этилди. Маданий-маиший хизмат кўчалари қад кўтарди. Бир сўз билан айтганда бутун бир мавзе пайдо бўлди.

Бунда «Тошкентжойинвестқўрилиш» корпорациясига қарашли 1-ўйсозлик комбинатининг ҳиссаси ҳам каттадир. Нимага деганда комбинат қурувчилари бу ерда қўллаб уйлар бунёд этилишида фаол қатнашди. Мисол учун улар яқинда мавзеда яна бир 9 қаватли уйни фойдаланишга топширишди. Умумий 108 та ҳамшаҳарларимиз бошпангага эга бўлишди. Ҳаттоки сатҳи 9 минг 334 квадрат метрни ташкил этган бинодо қурувчилар айниқса сифатга катта эътибор беришди. Бу эса ўз навбатида хонадон эгаларининг қувончига қувонч қўшди.

Гулом ЮСУПОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. Жуманиёзов тасвирга олган (УзА).

30 май кунни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё-Америка тадбиркорлики қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси С. Соларз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим урин тутишини таъкидлади.

— Ўзбекистон ҳозирги пайтда қўллаб-қувватланган давлатлар, жумладан,

Америка Қўшма Штатлари билан ҳам самарали иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда, — деди Ислам Каримов. — Яқиндагина ишга тушган «Зарафшон-Нюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бунинг яққол мисолидир. Мамлакатимизда жамғарманинг йирик банклари,

молиявий ташкилотлар, сармоядорлар ўз ваколатхоналарини очган. Яратилган қўлай шарт-шароит хорижий ишбилармонларнинг юртимизда фаолият кўрсатишига катта имкониятлар очмоқда.

С. Соларз самимий қабул учун миннатдорлик билдира экан, мамлакатимизда тадбиркорлики ривожлантириш йўлида Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган ишларга юксак баҳо берди. Ўзи бошқараётган жамғарманинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги яхши натижа беришига ишонч билдирди.

Учрашувда республика Бош вазирининг уринбосарлари У. Султонов, В. Чжен ҳамда Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавкулдда ва Мухтор элчиси Генри Лири Кларк ҳозир бўлди.

(УзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ХОНИМГА

Сизни, уз элига ҳам, узга элларга ҳам бирдай азиз шoirимизни асди донишмандлик фасли — муборак 80 ёшингиз билан самимий табриклайман.

Сиз замонамизнинг забардаст шoirи ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз, деб айтсак асло муболага бўлмайд. Жаҳон минбарларида янраган шеърларингиз — Шарқ аёлининг ақлу зақоси, фазлу камолидан ноиб нишондир.

Мухтарам Зулфия хоним! Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.

Ҳаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу ерут дунёда айриқич ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор, аммо гам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик оғурулар яратган, тоғдек барилан билан садоқат ва вафо рамизига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилди.

Сиз Гулбаданбегим, Зебуниссо, Увайсий, Нодирбегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бўлган айналарини бойитиб, янги поғонага кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфия хонимнинг маҳорат мактабидан қўллаб-қувватлаш баҳраманд бўлдир.

Истиқлол руҳи сизни, ижодингизни янада яшатириб юборди. Мафунгор шеърингизнинг эшлук нафаси билан қайта учқунланди.

Сизнинг, эл ардоғидаги етук ишкор, моҳир таржимон, атоқли ношир-муҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд кўни миллий байрам сифатида нишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қўлдан сана истиқлол замонида, ерут қўнларга ўтаётган миллионлаб мухлисариингизнинг қувончига қувонч қўшилиши жуда табиийдир.

Шундай эзгу лаҳзаларда сизни яна бир бор чин дилдан мубораклоб этаман.

Улут халқимизнинг севимли шoirисига, муҳаббат ва ҳаёт қучиқсига мустаҳкам соғлиқ, ижол ва илҳом заққи доимо ё бўлсин!

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ДОНИШМАНДЛИК ФАСЛИ МУБОРАК!

30 май кунни пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон халқ шoirи, эл ардоғидаги атоқли ижодкор, моҳир таржимон ва жамоат арбоби Зулфия хоним таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Шеърят ва гузаллик шайдолири билан гажум зал саҳнасида халқимизнинг севимли шoirиси, муҳаббат ва ҳаёт қучиқси, тантанали кеча бекаси Зулфия хоним, юртимизнинг таниқли шoir-ёзувчилари, олимлар жой олди.

Республика Бош вазирининг уринбосари Саидмуҳтор Саидқосимов тантанали кечани очиб, садоқат ва вафо тимсолига айланган аёл, замонамизнинг забардаст шoirиси Зулфия хоним муборак тўйи билан қутлади. Меҳрибон ва талабчан устознинг ижоди истиқлол руҳи билан янада яшаргани, гуркираётгани, шунинг барборида, шoirанинг бугун нишонланётган қўлгў таваллуд санаси халқимизнинг миллий байрамига айлангани миллионлаб мухлислар қувончига қувонч қўшилиши қайд этди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Зулфия хонимга йўлаган табригининг Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳайрул-Ла Жураев уқиб эшиттирди.

Таниқли адабиётшунос Иброҳим Гафуров Зулфиянинг ҳаёти ва ижодий йўли, асарларининг ўзига хос қирралари ҳусусида гапирди.

Кечад, шунингдек, бир қанча адиблар, шoirанинг издошлари, қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар, санъаткорлар, ижодий жамоалар вакиллари сўз олдилар.

Сўз шеърга, шеър қўйга, қўй қўшқига уланди. Шoirанинг шеърларидан намуналар, Зулфия ва Ҳамид Олимжон шеърлари билан айтилаётган қўшиқлар янгради.

Тантаналар сўнгиде шoirа Зулфия сўз олиб, ўзига, ижодида кўрсатилаётган эъзоз ва эътибор учун миннатдорлик тўла дил сўзларини изҳор этди.

Кечад Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг уринбосари Б. Шодиева, Бош вазир уринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Гуломова қатнашди.

(УзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 6-7 июнь кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАТВИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Литва Республикаси Президенти Альгирдас Бразаускасининг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 7-8 июнь кунлари давлат ташрифи билан Литва Республикасида бўлади.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

30 май кунни Тошкентда мамлакатимиз пойтахтининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишларининг боришини мувофиқлаштиручи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг уринбосарлари, туман ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар, бошқарма ва корпорациялар, концерн ва уюшмалар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, мутахассислар қатнашди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи уринбосари, комиссия раиси И. Журабеков бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида» қарорининг бажарилиши билан боғлиқ масала муҳокама этилди. Ушбу масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулганов ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш бўйича муҳим ўзгаришлар

содир бўлаётгани, айниқса, Сағбон кўчасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари диққатга сазовор эканлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга баъзи алоқадор ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ишларига масъулиятсизларча муносабатда бўлаётганлиги, ҳусусан, шаҳарнинг Қорасарой кўчасида олиб борилаётган тадбирлар талабга жавоб бермаётгани, барча ишларни қатъий ҳақдал асосида икки сме-нада ташкил қилиш ва уларни ҳақдаллаштириш, аҳолини янги қурилган уйларга қўчиришни ўз вақтида таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрида республика мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами шарафига фойдаланиш учун топширилши лозим бўлган бўйлей иш-ишотлари ҳамда уларда бажарилаётган ишлар қўлами қўриб чиқилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг уринбосари Р. Юнусов иштирок этди.

(УзА).

ҲАМШИРАЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛСАНГИЗ

3 июнь кунни Тошкент шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг Ўйғур кўчасидаги 305-уйда жойлашган тиббиёт коллежи мактабидидаги ўқув-даволаш мажмуғига ташриф буюринг. Шу кунни шаҳримиздаги мактабларнинг битирувчи қизлари, яъни ақшерлик ва тиббий ҳамширалик касбини эгаллашга аҳд қилганлар коллежининг хоналари ва тахрибахоналарида бўлиб педагогларнинг улар танлаган касбнинг истиқболлари тўғрисидаги ҳикояларини тингладилар, амалий машғулотлар ўтказиладиган касалхона ва поликлиника тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўладилар.

Замонавий техника билан жиҳозланган, ўқув жараёнида тест ва компьютерлардан фойдаланиладиган коллеж билан танишув келгуси ҳаёт йўлида асқотадиган касбини турғи танлашингизга имкон беради.

ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

27 май кунни Тошкентда Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда ҳаракатнинг минтақавий бўлимида сайланган делегатлар қатнашди. Анжуманда, шунингдек, республикаимизда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Қурултойни жаҳон иқтисоди ва дипломатияси долрулфунунининг профессори Қўқор Хонзаров очди.

Янги ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида Тошкент давлат долрулфунунининг проректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Турабек Долимов

маъруза қилди.

Анжуманда мазкур ҳаракатнинг мақсади Ўзбекистон халқининг бирлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларда мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги кунни, унинг келажиги йўлида юксак масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эканлиги таъкидланди. Ҳаракатнинг дастури ва низоми тасдиқланди, унинг Марказий кенгаши ва тафтиш комиссияси сайланди.

Шу кунни Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий кенгашининг биринчи пленуми бўлди. Пленумда Т. Долимов мазкур ҳаракат Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

(УзА).

«ХАЛҚ БИРЛИГИ» ЖАМОАТЧИЛИК ҲАРАКАТИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

Қадрили ватандошлар!

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва сиёсий барқарор, раванқ топаётган илгор демократик давлат барпо этиш йўлида кенг қўламли ишхотларда изчил амалга оширилмоқда. Ақдоларимизнинг буюк маънавий ва маданий мероси, Ўзбекистон халқининг тарихан қарор топган ўзига хос жиҳатлари ҳамда жаҳон тарикқининг ютуқлари бу ишхотларнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилаётди.

Жамият демократлаштирилаётган ҳозирги даврда жамоа ўзини бошқаруви ва қўлпартиявийликнинг турли курачларига фаол шаклланиб борапти. Бундай шароитда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро ва турли диний маҳабзлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик қўзланган ишхотларни қатъий ва изчил амалга оширишга қаролат берадиган асосий омилдир.

Ана шу улут мақсад йўлида жинслашимизга биз ҳозирги ўтиш даврининг қўйинчиликларини муваффақиятли бартараф

МУРОЖААТИ

этишимиз мумкин. Ўзбекистоннинг буюк келажигини барпо қилиш йўлида республика қўлпартиявийлик халқи, барча ижтимоий-сиёсий қўлпартиявийлик мустақиллаш зарурати «Халқ бирлиги» жамоатчилиқ ҳаракатини тузишни тақозо этди.

Ҳаракатта сиёсий эътиқод, миллати, қайси динга мансублигидан қатъий назар ягона Ватанимизнинг бугунги кун ва келажигига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро аъзо бўлиб кириши мумкин.

Ҳаракат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан олға сўрилган ва асослаб берилган энг муҳим тамойиллар негизида қўрилади ва жамиятда умуминсоний қадриятлар, тотувлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга, кишилар ўртасидаги муносабатларини ўйғунлаштиришга йўналтирилади. «Халқ бирлиги» Ўзбекистонда тинчлик, тотувлик ва бир-

лик, ватанпарварлик ва юксак фуқаровий маданият мақсадлари қўзланган туз ўзгаришларини амалга оширишга даъват этилган.

Ушбу ҳаракат унинг аъзолари қатъий рўйхатга олиниши, тарафдорлари фаолияти аниқ белгилан қўйилиши талаб этилди. Ҳаракатнинг ҳар бир аъзоси умумий вазифаларини амалга оширишда ўз урни, иштироки даражасини мустақил белгилейди.

Азиз ватандошлар, сизларни «Халқ бирлиги» ҳаракатини қўллаб-қувватлашга, унинг сафига қўшилишга, мақсадларини амалга оширишда фаол қатнашчилар бўлишга даъват этамиз. Бу билан сиз ишхотлар тезроқ амалга оширишга, халқ фаровонлиги ўсиши ва жонан Ватанимизга гуллаб-яшнашига қўмқулашган бўласиз.

«Халқ бирлиги» жамоатчилиқ ҳаракатининг 1995 йил 27 май кунни ўтган бўлиб таъсис қурултойида қабул қилинган.

ЯНГИ ПАРТИЯ ДУНЁГА КЕЛМОҚДА

Мустақил давлатимизда яна бир — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси дунёга келмоқда. Республикаимизнинг бир гуруҳ таниқли зиёлилари янги замон, янги жамиятнинг руҳи, мазмунига мос ана шу янги партия тузиш ташаббуси билан чиқдилар.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий мақсади мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маърифий-маданий раванқига хизмат этишдир. Партия миллатнинг қад ростлаши, ўзини ҳар томонлама англаши, миллий онгини оширишда қўмқулашади, юксак байналмилал тарбияга алоҳида эътибор беради, умуминсоний қадриятлар асосида миллий тикланиш йўлини тарғиб этади. Ҳуқуқий давлат, демократик жамият

қуриш, халқнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтириш партиянинг дастурий вазифаларидан ҳисобланади.

Янги партияни тузиш бўйича ташкилий қўмитаининг мажлисида унинг раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлғамалар институтининг директори Азиз Қайюмов сайланди.

х х х

Кунни кеча Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Азиз Қайюмов нутқ сўзлади.

Йиғилишда партиянинг таъсис қурултойига делегатлар сайланди, шаҳар ташкилоти ташкилий қўмитасининг таркиби тасдиқланди.

ЖАМҒАРМА ҲИММАТИ

260-урта мактабда Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунни муносабати билан ўтказиладиган тадбирга пухта ҳозирлик қилилди. Республика болалар жамғармаси томонидан кам таъминланган оилаларга ҳада этиш учун 1 та полос, 1 та тикув машинаси, 1 та телевизор, 1 та ноғорон болалар аравчаси, 2 ёшгача бўлган «Чақа» қоқлар уйи» да тарбияланувчиларга 120 нафар болалар жамғамаси ажратилди.

Мунира МУХАМЕДОВА.

Табиат — ҳаёт чашмаси

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда эртадан бошланадиган Экология ва саломатлик кунлари ҳақида сўз борди.

Экология ва саломатлик кунларини ўтказишдан кўзда тутилган мақсад — ҳар бир ҳамшаҳримизнинг, ҳа-мюртимизнинг диққат-эътиборига табиат бизнинг онамиз эканлигини яна бир қарра етказишдан иборат.

Ун кунлиқда ўтказиладиган тадбирлар ранг-баранг. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан хайрия концернлари ўтказилади. Унда таниқли хонадалар, раққосалар, санъат усталари, ёш ижодчилар қатнашдилар. Туршан маблаг эса чиқиндиларини қайта ишлайдиган завод қурилишига ажратилади. Шаҳримиздаги «Бог Эрам», Мирзо Улугбек сингари ва бошқа маданият ва истирҳат қўлпартиявийлик олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, табиатсеварлар билан қизгин учрашувлар бўлиб ўтади. Ёш табиатшунослар ўзлари етиштирган гуллар, турли-туман ниҳоллар, қушлар қуриқларини ташкил этадилар. Шаҳримиздаги барча корхоналар, муассасалар,

ташкилотлар Э

«9-модда. Жамият ва давлат ҳаёти-нинг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади».

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқ ҳокимиятичилиги принциплари асосланганлигини яна бир қарар аққол қурсатади. Халқ ҳокимиятичилиги — бу бутун ҳокимият амалда ва юридик жиҳатдан халққа тегишли дегани. Конституцияга биноан, халқ ҳокимиятини бевосита ҳамда ўзи сайлаб қўядиган органлари орқали амалга оширади. Халқ сайловлар йўли билан ҳокимиятнинг вакиллик органларини тузади, мамлакат Президентини сайлайди, умумхалқ муҳокама ва референдумлар орқали жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал қилади.

Энди Ўзбекистонда референдум қай тарзда ва қандай ҳолларда ўтказилиши ҳусусида тўхтаб ўтсак. Республикада референдум ўтказиш тартиби 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинадиган. Бунга қўра, референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон фуқаролари, референдумда иштироий равишда қатнашадилар. Референдумга қўйилган масалалар халқ, жамият, давлат манфаатларидан келиб чиққанлиги учун унда фуқароларнинг ақсарияти доимо фаол иштирок этадилар. Масалан, мустақиллик шарофати билан юртимизда ўтказилаётган референдумларни эслайлик.

Чунончи, 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғ-



«Шарқ гули» ҳиссдорлик жамияти ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқарилаётган сўзана, ҳалакларнинг донги хорижликларни ҳам хайратта қолмоқда. Шахримизда ўтказилаётган ҳар бир кургазма ва тадбирларда шу корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун алоҳида урин ажратилади. (Суратда чапда). Ундаги суратда китоб-журнал фабрикасида замонавий техникалардан унумли фойдаланиш кенг йўлга қўйилганлиги тасвирга олинган. «Пони-5» дастгоҳида иш унумдорлиги ошиши билан бир қаторда, сифати ҳам ўзгача бўлаёттир.

Козим Улмасов ва Рустам Шарипов олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда УМУМХАЛҚ ОВОЗИ

Конституциянинг 9-моддасида эътироф этилганидек жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилади, шунингдек умумхалқ овози — референдум йўли билан ҳал қилинади. Референдум сўзининг луғавий маъноси лотинча «маълум қилиниши лозим бўлган нарсас», деганидир, яъни давлатда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар халққа маълум қилинади ва унинг овоз бериши орқали ҳал этилади. Референдум республикамизда демократиянинг қурилишларидан бири бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Қадим давлрларда ҳам муҳим аҳамиятга молик масалаларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳоллари бўлган. Лекин улар референдум деб аталмаган. Қадимги дунё тарихига назар ташласак, баъзи давлатларда муҳим давлат ва жамият масалалари бевосита халқ томонидан муҳокама қилиниб, ҳал қилинганлиги маълум. Масалан, эраимиздан аввалги VII-VI асрларда вужудга келган қадимги Афинада халқ мажлиси давлат ҳокимиятининг муҳим органи бўлган. Унда 20 ёшга кирган Афинанинг эркак жинсига мансуб тула ҳуқуқи фуқаролари иштирок этишлари мумкин эди. Халқ мажлисининг вазифаларига қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, мансбдор шахсларни сайлаш, улар фаолиятини муҳокама қилиш, мудофаа, озиқ-овқат масалаларини ҳал этиш каби масалалар кирган. Халқ мажлиси 4 ойда бир марта чақирилиб турган. Худди шунингдек, урта асрларда Новгород ва Псков каби республикаларда ҳам халқ йиғини — вече муҳим давлат ҳокимиятини органи ҳисобланган. Унда ҳам умумхалқ овози орқали жамият ва давлат ҳаётига оид жиҳиди масалалар ҳал қилинган. Лекин бу органларни ҳозирги вақтдаги референдумга асло тенглаштириш бўлмайд.

Чунки у вақтлардаги халқ мажлислари чекланган характерда бўлиб, уларда халқ омасси тенг ҳуқуқлар асосида тўлиқ иштирок эта олиш имкониятига эга эмас, эди.

рисидидаги масалага доир референдум ўтказилиб, унда Ўзбекистон халқи республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллади.

Ҳозирги кунда энг муҳим қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш мамлакатимизда анъанага айланиб қолди. Ушбу Конституция лойиҳаси ҳам икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди ва кенг халқ омассининг қўллаб-қувватлаш ва мулоҳазалари асосида шаклланган ва мукаммал Асосий Қонун дунёга келди. 1995 йил 26 мартда ўтказилган референдумда эса республикамиз фуқароларининг фаол иштирокида бир овоздан юртбошимиз Ислам Каримовнинг Президентлик ваколатлари муддати 2000 йилгача узайтирилди.

Булар шунини аниқлашдики, Конституциянинг 9-моддасида белгиланган меъёр ҳуқуқ қозонган бўлмасдан, балки доимо ҳаракатдадир.

Референдум ҳақида сўз кетар экан, шу нарсани унутмаслик керакки, референдумга давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли барча масалалар қўйилавермайди. Масалан, республика ҳудудий бутунлигини ўзгартириш тўғрисидаги, солиқлар, бюджет, амнистия (афв этиш), жамоат тартибини, аҳолининг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фавқулодда ва шошилинч қарорлар қилиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш ҳақидаги, мансбдор шахсларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш билан боғлиқ масалалар умумхалқ овози — референдумга қўйилмайди. Ва масалалар Конституцияга биноан тегишли давлат ҳокимият органлари, хусусан Олий Мажлис ва Президент томонидан қўриб ҳал қилинади. Зеро, Олий Мажлис ҳам, Президент ҳам бевосита халқ томонидан сайлаб қўйилади. Бу борада ҳам Конституциянинг демократик томони кўзга аққол ташланади, умумхалқ овози ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Хайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

Мана баҳор ўтиб ёз ҳам қириб келаяпти. Айни пайтда деҳқон қўли билан етиштирилган дала неъматлари йиғиб-териб олина бошлади. Хўш, шундай экан, пойтахтни мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаётган «Тошкент-мева-сабзавотсаноат» бирлашмаси ишчи ва хизматчилари бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда?

Дўкнлардаги маҳсулот бозорлардаги арзонми? Биз ана шулар ҳақида гапириб беришни бирлашма раиси Салоҳитдин Шаҳобовдан илтимос қилдик.

— Бирлашманинг асосий вазифаси шаҳар аҳолисини йил давомида картошка, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эътиборини ўзлуксиз таъминлашдан иборатдир, — дейди С.Шаҳобов. — Унинг таркибига шаҳарнинг 11 та туманларида жойлашган ултуржи чакана ме-

дан анча пастроқ баҳоларда сотилди. Бу курсаткилар олдинги йилларга нисбатан бирмунча кўпдир.

Шу йил мунтазам равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид этиш учун Тошкент вилояти хўжаликлари билан 18 минг 465 тонна картошка, 10 минг 462 тонна сабзавот, 8 минг 625 тонна мева, 3 минг 714 тонна узум, 620 тонна полиз маҳсулотларига шартномалар тузилган. Бундан ташқари республиканинг бошқа вилоятлари билан ҳам 23 минг 860 тонна картошка, 15 минг 401 тонна сабзавот, 4 минг 127 тонна мева, 1 минг 111 тонна узум келтириб сотиш учун шартномалар имзоланган. Бундан ташқари Мустақил Ҳамдустлик Давлатларида 116 минг тонна картошка келтирилиши мўлжалланган.

Байрам, сайил ва тадбирлар ўтказиладиган жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо ярмаркалари билан доимий равишда қатнашиб келинмоқда. Масалан, яқинда ўтказилган «Наврўз», Ҳайит, Рамазон байрами, Галабининг 50 йиллиги тантаналарида шаҳарнинг барча туманлари марказий кўчаларида, метро бекатлари, ёнида, маҳалла ва аҳоли гажум жойларда савдолар ташкил қилиниши натижасида шаҳар аҳолисига қўшимча 1 минг 640 тонна картошка, 1 минг 518 тонна сабзавот, 532 тонна бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилишига эришилди. Шунингдек, шаҳарнинг марказий Истиклол кўчасида йил давомида ўзлуксиз ишлайдиган ва барча туманларнинг марказий кўчаларида 1 майдан 1 октябргача ўзлуксиз ишлайдиган савдо ярмаркалари ташкил қилинган. Улар орқали бугунгача қўшимча 3 минг 652 тонна картошка, 1 минг 948 тонна мева, 10 минг 103 тонна сабзавот сотилди.

Бундан бун ҳам бирлашмаимиз жамоаси шаҳар аҳолисини янги ва қайта ишланган сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзлуксиз таъминлашда барча имкониятларни ишга солаверадилар.

Сўхбатдош Ғулом ЮСУПОВ.

Тошкентликлар дастурхони түкинлиги йўлида ЕЗ НЕЪМАТЛАРИ УЗЛУКСИЗ КЕЛТИРИЛАДИ

ва сабзавот комбинати ҳамда жамoa хусусий хўжаликлари, 5 та мева-сабзавот сақлаш комбинатлари, 1 та маҳсулоти ихтисослашган хусусий автокорхона қиритилган. Ҳозирда шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эътиборини қондириш мақсадида бирлашма тизимида 132 та дўкан ва павильонлар фаолият қурсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор Фармонларининг амалда тула бажарилишини таъминлаш борасида бирлашма таркибидан қорхоналар ва меҳнат жамоаларида ҳусуолаштириш ишларининг ўз вақтида олиб борилиши туфайли 1995 йилнинг май ойигача 145 та савдо қорхоналари ва тармоқлари давлат тасарруфидан чиқариб ҳусуолаштирилди. Жумладан 1 та ҳис-содорлик жамияти, 136 та хусусий жамoa мулкчилиги, 18 та хусусий мулкчилигига ва 1 та масъулият чекланган ташкилотга айлантирилди.

Бирлашма тизимидаги савдо қорхоналари ердимида шаҳар аҳолисига ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамда маҳаллаларда 1994 йил давомида ва 1995 йилнинг 4 ойи мобайнида 100 минг 757 тонна картошка, 12 минг 905 тонна мева, 150 минг 307 тонна сабзавот маҳсулотлари келишилган нархларда олиб келиниб, бозорлардаги нарх-

Шаҳар аҳолисини мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эътиборини тўлароқ қондириш мақсадида 1995 йилнинг 1 июлидан 1 октябргача Тошкентнинг қўйидаги маҳсулотларига савдо ярмаркалари ташкил қилинди:

Юнусовод туманининг «Истиклол» кўчасидаги савдо шохбечаларида.

Миробод туманининг Сарикўл кўчасида «Космос» дўкони ёнида;

Мирзо Улуғбек туманининг «Наврўз» бозорида;

Шаҳантоҳур туманининг «Эски жўва» бозорида;

Сирғили туманининг деҳқон бозорида;

Собир Раҳимов туманининг Тиббиётчилар шаҳарчасида;

Яксовсарой туманининг Усмон Носир кўчасида «Тоҳир ва Зухра» дўкони ёнида;

Ҳамза туманининг «Галабининг 40 йиллиги» бозорида;

Чилонзор туманининг метронинг «Ҳамза» бекатиди;

Бектемир туманининг «Сувчи» бозорида;

Акматав Ибромов туманининг «Фарҳод» бозорида.

Савдо ярмаркалари эрталаб соат 9 дан кеч-қурун 18 гача ишлайди.

Транспорт хўжаликларида

АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

«Тошшаҳарйўловчи» транспорт хўжалигида аҳолига мамунали транспорт хизмати қўрсатишнинг янада яхшилаш юзасидан муҳим техник тадбирлар амалга оширилмоқда. Бирлашма четдан янги хил техникаларини олиб келиш билан шугулланиб, Чехия, Германия, Туркия, Корея каби хорижий мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйди.

Айни вақтда ҳаракат тизимини зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга ҳам киришилди. Бунинг учун ички имкониятлардан унумли фойдаланиб, қорхоналар кучи билан бу хил техника воситаларини қўллаб тайёрлашга киришилди.

Маэкур техник жаравнин йўлга қўйиш мақсадида режалар тадбирлари ишлаб чиқилди. Турли хил қисмларни тайёрлаш ва қайта тиклаш, узеллар ва агрегатларни қорхоналарнинг ўзида тайёрлашнинг қўлайлиги билан боғлиқ бу режа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари шаҳар саноат қорхоналари учун турли хил эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар қабул қилинмоқда. Бундай келишув асосида узелларни тайёрлашга хизмат қиладиган техника воситаларини ҳам чиқаришмоқда.

Чунончи, «Ўзавтосозлаш» бирлашмасида 155 та дигител сифатли таъмирланди. Шу йил билан қорхонада 15 генератор, 60 та КПП мосламаси сифатли таъмирдан чиқди. Утган йилнинг ўзида бирлашмага қарашли қорхонада мутахассислар томонидан 450 га яқин дигител созланган. Бу эса хориждан эҳтиёт қисмлар олиб келиш ҳажминини қайтариш имконини бермоқда.

МАХСУС БРИГАДАЛАР ТУЗИЛДИ

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси маъмурияти томони-

дан саройларда чилангарлар меҳнати самарадорлигини таъминлашга доир қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Жойларда кечки ва тунги вақтларда маҳсулот ишлаб чиқариш жорий этилаётгани ҳам эътиборни ўзига тортди. Чунончи, яқинда чилангарлар меҳнатини кечки сменада ташкил этиш мақсадида махсус бригадалар тузилди.

Ушбу бригадалар аниқ иш тартиби асосида фаолият қурсатмоқда. Бу тажриба жуда қўл келаяпти. Эндиликда ана шу тажриба асосида таъмирлаш ишларини эртаю кеч ташкил этишга киришилди.

Бу усул кўнгини трамвай-троллейбус саройларида жорий этилди.

ҚУПАЙ ВА МУСТАҲКАМ

Шаҳримиз кўчаларида қатнаш бошлаган янги хил транспорт воситалари орасида «ЛАЗ-695 М» русумли автобуслар ҳам ажралиб туради. Йўловчилар учун қатор қўлайликлар эга бўлган маэкур турдаги транспорт воситасидан элликтиаси, ҳозир маълум йўналишларда яхши қатнаб турибди.

Шаҳримиздаги 3, 5, 12, 18-автосаройлар «ЛАЗ-695 М» автобусларидан бир нечасига эга. Бундан ташқари 2519-автотажамлама ихтиёрига ҳам бу хил автобуслар берилди.

Львов заводида тайёрланган «ЛАЗ» автобуслари сонини янада ортати. Бунинг учун Тошкент шаҳар йўловчи автотранспорти бирлашмаси украиналик машинасозлар билан шартнома тузди. Ана шу узаро келишувга биноан йил охиригача яна 100 та автобус олинди.

Аҳмад АЗИМОВ.

Иш билан бандлик

КЕНГ ДОИРАДАГИ ИМТИЁЗЛАР

ги, аввал ишламаган ва илк бор иш қиладиган шахслар учун эса 13 ҳафтадан ошмаслиги керак.

Энди нафақаларнинг миқдори ҳақида тўхталадиган бўлсак, ишлаб чиқариш тармоқларидан бўшатишлар учун 26 ҳафта давомида аввалги иш жойларидан олаётган маошларининг 50 фоизи, лекин мавжуд қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган ва Республикадаги уртача иш ҳақидан ошмаган миқдорда туланади. Янада аниқроқ айтганда бўлсак, биринчи марта иш қиладиган шахслар учун 13 ҳафта давомида энг кам иш ҳақининг 75 фоизи, иш фаолиятида 1 йилдан ортиқ вақт мобайнида таънафус бўлиб қолганлар учун 26 ҳафта мобайнида энг кам иш ҳақининг 100 фоизи, ишда бир йилга етмаган вақт мобайнида таънафус бўлиб қолганлар учун 26 ҳафта уртача маошининг 50 фоизи миқдорда нафақа белгиланади. Бундан ташқари қамқондан озод қилинганларга 26 ҳафта давомида энг кам иш ҳақининг 100 фоизи туланади. Ишсиз фуқаролар қарамогига боқиманда-лар бўлган тақдирда эса нафақанинг миқдори 10 фоизга оширилади. Нафақалар бандлик хизмати берган манзилгоҳ бўйича туман сугурта кассаларида бирида берилди. Узрсиз сабаб-

муддати 2 ойгача бўлган (истагига қўра бу муддатни узайтириш ҳуқуқи ҳам берилди) ҳақ туланадиган жамоат ишларига жалб этилиши мумкин. Жамоат ишларида қатнашаётган фуқароларга бажарётган ишга қараб, лекин 15 фоизга қўлайтирилган ишсизлик нафақасидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи туланишига қаролат берилди. Фуқаронинг ишсизлик нафақаси (стипендия) олаётган вақти ҳамда ҳақ туланадиган жамоат ишларида иштирок этаётган пайт унинг ўзлуксиз меҳнат стажига қиради. Ишсизларга берилган нафақаларнинг барча турлари ва туловлар қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича индексация қилинади.

— Ишчи-хизматчиларнинг ишдан бўшатилиш сабаблари, бу жаравнининг амалга оширилиш тартиблари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ходимлар қорхона, муассаса ва ташкилотлардан уларнинг тўғатилиши, штат қисқартирилиши ва шу каби сабабларга қўра бўшатилиши мумкин.

Ишдан бўшатилиши тўғрисида ходим ёзма тилхат орқали камиди икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим. Бунда у амалдаги имтиёзлар ва бадаллар тўғрисида тула ахборот олиши даркор. Икки ой ўтмасидан илгари қорхона ёки ташкилот маъмурияти қўқорида айтиб

лар билан белгиланган муддатларда бандлик хизматларига келмаслик ҳолларида нафақа тулаш тўхтатилади.

Бироқ шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, нафақалар тулаш маълум бир мақсад эмас, балки ҳақиқатдан ҳам ишни фаол қидираётган фуқаронинг ишсиз қолган даври мобайнида моддий жиҳатдан ердан беришнинг муҳим воситаси эканлигини унутмаслик керак, албатта.

— Қандай ҳолларда фуқаро ҳақ туланадиган жамоат ишларига жалб қилиниши мумкин?

— Фуқарони ишга жойлаштириш масаласи қийинлашиб кетган ёхуд бошқа сабаблар бўлса, у ўз хоҳишига қўра

утилган сабабларга қўра ходимнинг розилигисиз уни ишдан озод қила олмайди. Бироқ ҳодимлар ҳам шу муддат ичида ўз мажбуриятларини бажариб, ички тартиб-қоидаларга амал қилишлари шартдир.

Штатлар қисқартирилиши сабаби билан ходимлар ишдан бўшатилаётганда ишда қўлиш имтиёзли ҳуқуқи меҳнат унумдорлиги ва малакаси юқориоқ бўлган ишчи-хизматчиларга берилди.

Шунингдек, ҳодимлар оғил ва уч ёшгача бўлган ҳодимлар ҳам шу муддат ичида ўз мажбуриятларини бажариб, ички тартиб-қоидаларга амал қилишлари шартдир.

Резалаштирилган қисқартиришлар тўғрисида қорхона маъмурияти ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малака ва маоши тўғрисидаги маълумотдан маҳаллий бандлик хизматини хабардор қилиши шарт.

— Ишдан бўшатилаётган ходимлар учун қандай имтиёзлар белгиланган?

— Қорхона, муассаса ва ташкилотларда турли ўзрли сабабларга қўра ишдан бўшатилаётган ходимларга бир ойлик иш ҳақи миқдоридан нафақа пули туланади. Бундан ташқари нафақа пулини олиб ишдан бўшадиган қўқордан бошланган ошмаган, ишга жойлаштириш даври мобайнида аввалги ишдаги уртача маоши берилди.

Қорхонани қайта ташкил этиш ёки тўғатиш тўғрисида қарор чиқарган ташкилот ишдан бўшатиладиган ходимларни ишга жойлаштириш даври мобайнида сақлаб қоладиган уртача маошини тўғатиш ёки қайта ташкил этилган қорхонанинг ўзидеёқ берилишини таъминлаш ҳам мумкин. Шу тоифадаги ходимларнинг ишдаги таънафус 3 ойдан ошмаган ҳолда уларнинг меҳнат стажини ўзлуксиз ҳисобланади. Бундан ташқари шундай ходимларнинг ўзлуксиз меҳнат стажини қўра бўлган ҳолда меҳнат тўғатилишнинг биринчи йилгисини ходим янги жойида қайси муддат мобайнида ишлаб келаятганидан қатъи назар олиши мумкин. Шунингдек, ишдан бўшатишдан бандлик давлат хизматларида рўйхатдан ўтган ходимлар учун аввалги ишдаги маошларини мактабгача тарбия муассасаларидан фойдаланиши, турар жой ва бошқа ижтимоий манфаатларидан фойдаланиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Сўхбатдош
Дилшод ИСРОИЛОВ.

Маълумки, ҳарбий хизматда бўлган ва бўлмаган йигитларни осонгина фарқлаш мумкинлигини ҳаммамиз биламиз. Ҳарбий хизматгача феъл «енгилроқ», уйинқароқ, муқим тартиб-қоидаларга амал қилмавермайдиган йигитларимиз армиядан қайтган, босиқ, мулоҳазали фикр юр-тадиган, унча-мунча меҳнатдан қўқимайдиган, ота-она, ака-укаларига меҳрибон одамлар бўлиб қоладилар. Бунинг ҳатто армияда бўлмаганлар ҳам тан оладилар. Ҳозир Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қиладиган йигитларимизга ҳавас қилсак арзийди. Негаки, улар бугун сарҳадларини қўқилаётган муқаддас Ватанда не-не буюқ саркарда, баҳодир ва жанговар бобо-лар утишмаган дейсиз...

Мардлар қўқиклайди Ватани ЭҲ, АСКАРЛИК ДАВРИ!

Ҳамшаҳримиз Шаҳзод Шоисломовнинг жанубий вилоятларимиздан бирида хизмат қиладиган бир йил бўлди. Аскар йигит ҳақида унинг опаси Маъмура Рузиева билан сўхбатлашдик. Опанинг юзида-ҳам, сўзларида ҳам гурур хисларини қўқиб, менинг ҳам Шаҳзодга очиги ҳавасим келди. Ушбу мақолани ёзишимга ҳам шу сўхбат сабаб бўлди.

Шаҳзод — оиласида ота-сингилларининг ичиде ягона ўғил фарзанд. Шунинг учун ҳам очиги, аввалгига ота-онани уни хизматдан «олиб қолмоқчи» ҳам бўлишди. Уларни тушуниш мумкин. Шаҳзод — ёлғиз жигарбандлариде. Аммо уғилдаги қатъий қарорни эшитиб, ота-она фотиҳа қўл очинди; «Барча дўстларинг қатори бурчингни бажариб, соғ-омон қайтгин, болам. Ватанини эъзозлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди».

— Худода шўқр, — дейди Маъмура опа, — юртимиз тинч, укам ўзоқ, совуқ жойларда эмас, ўз юртида йигитлик бурчини бажараяпти. Тез-тез телефон орқали у билан гаплашиб тура-миз. Бир неча марта командирларидан ташақкурнома битилган хатлар олдик. Ҳаммамиз ундан хурсандимиз. Яқинда эса, бошиқларининг рухсати билан уйда таътилда ҳам бўлди.

— Хўш, ўзгаришлар қандай аскар болада? — дея сўрадик.

— Дунёқараш, фикрлари бутунлай ўзгарганлиги аниқ сезилиб турибди, — дея қўнвоқ

билан сўзлайди Маъмура опа, — аввало хизматга ўз вақтида борганидан жуда хурсанд. «Баъзи болалар жуда нимжон, қўнроқ спорт билан шугулланиши керак», — дейди у. Хали армияга бормаган дўстларининг қанчалик ҳавас

1 июнь—Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни



Соғлом авлод учун

ҲАММАМИЗ МАСЪУЛ БЎЛГАН ФАОЛИЯТ

Юртимизда ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш ва камол топтириш тадбирлари кенг кўламли олиб борилаётгани, аналик ва болалик муҳофазасига эътибор кучайтирилаётгани ҳам муваққатлик берган нәтижалардан биридир. Куйида турли соҳа кишиларининг мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

♦ **Раҳбар Раҳмонова, «Соғлом авлод учун» республика жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими директори:**

— Соғлом авлодни тарбиялаш учун ишни нимадан бошламоқ керак? Бу савол сўнгги пайтларда кўпчилигининг диққат-марказида экани сир эмас. Аммо бу борадаги ҳаракатлар гарчи амалий иш қилишга имконият етарли бўлсада шунчаки маслаҳат бериш ёки ақл ўргатиш каби билан боғлиқ бўлмайдими. Амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳар биримизнинг оstonамиздан, кўча-майдондан, маҳалламиздан

айниқса боланинг ҳар томонлама баркамоллигини белгилашда асосий омил саналади. Шунга кўра бугунги кунда республикамиздаги деярли барча мактабгача тарбия муассасаларида болаларни қўл остида раҳбарлик қилиш билан боғлиқ тарбиялаш борасида янги ёндоқиш маъқул қўйилмоқда. Бу янгиликка кўра тарбия жараёни уч мутахассис — руҳшунос, услубшунос ва педагог иштирокида олиб борилади. Бунда руҳшунос бола руҳиятини тадқиқ этиб, унинг барча қучли ва кучсиз жиҳатлари, салоҳиятини аниқлайди. Услубшунос эса руҳшунос чиқарган хулосаларга кўра бола тарбиясига

онанинг ўзига ҳам фойдали — эмиздагидан она соғлом бўлади ва бу жараён уни кейинги ҳомила пайдо бўлиши оралигини ўзатиради. Афсуски биз бу борада анча ҳаттиҳларга йўл қўйдик. Масалан, болани ҳар уч соатда эмизиш керак деган сўз бор эди. Аммо у собиқ иттифоқ пайтида марказ олимларининг хулосаси бўлиб, у бизнинг ҳудуд болалари учун тўғри келмас экан. Халқимизнинг «Бола йиғламаса она кўрак тутмайди» деган нақл тўғри эканлигига амин бўлиб турибмиз. Яна шунини таъкидлашим жоизки, она сутини тўғиб эмган бола умри давомида она сутини эммаган болага нисбатан турли хасталикларга 3-4 баробар хасталинади.

♦ **Наира Шарафеева, Тошкент Давлат консерваториясининг хор дирижёрлик кафедраси мудири, мусикашунос:**

— Инсон ҳаётида мусика-

Айни ёз кунларида сўлим табиат кўйида яйраб дам олганга нима етсин! Шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги оромгоҳлар, соғломлаштириш масканлари дам олувчиларни қабул қилишга тайёрми? Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси Омонул Сафоев билан суҳбати болалар ва меҳнаткашларнинг ёзи дам олишини ташкил этиш масалалари ҳусусида бўлди.

Ёз мавсуми: дам олиш қандай ўтади?

СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ



— Пойтахт касаба уюшмалари кенгаши шаҳар ҳокимлиги ва туманлар ҳокимликлари, шаҳар бошқармалари билан биргаликда болаларнинг ёзи дам олишини уюшқоқлик билан ташкил этиш учун бир қатор ишларни амалга оширмоқда, — дея таъкидлади Омонул Сафоев. — Йил бошида шаҳар кенгаши тасарруфидаги 41 та соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий аҳоли тегишлилиги. Уларни мавсумга тайёрлаш учун зарур бўлган моддий тадбирларнинг деярли барчасини корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузиладиган шартномалар ва битимлар тизимларида киритилди.

Натижада оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш йозасидан барча корхоналар тадбирлар ишлаб чиқдилар ва ҳозирги кунларда ўз тадбирларини амалга оширмоқдалар. Бундан ташқари болаларни соғломлаштириш масалаларига тааллуқли бўлган бир қатор тадбирларни шаҳар ҳокими ва шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ўртасида меҳнаткашлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш йозасидан 1995 йилга тузилган битим шартларига ҳам киритилди.

Масалан, битим шартларига кўра ҳоким ўз фармойиши билан болалар оромгоҳларини ёпиб қўйиш, уларни бошқа мақсадларда ишлатиш ёки сотиб юборишни таъқиқласа, касаба уюшмалари кенгаши бу оромгоҳларни ишлатиш учун зарур маблағлар ажратиш, йўлланмалар баҳосини имкони борича арзонлаштириш ва шу каби тадбирларни амалга оширишни ўз зиммасига олди. Болаларни соғломлаштиришнинг ташкил этиш масалалари ўтган йилнинг декабрь ойида кенгашимиз пленумида, февраль ва апрель ойларида эса раёсатимиз йиғилишида қўриб чиқилди.

Болаларнинг ёзи таътилини фаол ва мазмунли ўтказишга қаратилган масалалар шаҳар ҳокими ва шаҳар касаба уюшмалари қўйма қароридан ҳам ўз аксини топан. Бу қарорга кўра болаларни соғломлаштириш ишларига

алоқадор бўлган шаҳар бошқармалари ва идоралари барча масъулиятни ўз зиммаларига олганлар. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, «Озёқ-овқат» концерни, Ёшлар Иттифоқининг Тошкент шаҳар қўмитаси малакали ходимларни танлаш ва уларни ишга юбориш чоралари қўйилди.

Шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, маданият ишлари бош бошқармасини жисмоний тарбия, мусика ходимлари ва тўғрак раҳбарлари билан таъминлаш чоралари қўрилди. Ёзи дам олиш мавсумида режага кўра шаҳар меҳнаткашларининг 66300 нафар фарзандлари оромгоҳларимизда соғломлаштирилади. Шу жумладан шаҳар ташқарисидаги 9 та дам олиш масканда Қорақалпоғистон Республикасидан ва Хоразм вилоятидан келадиган 2 минг нафар мактаб ўқувчилари ўз соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун тегишли шартот яратилди.

— Бу хайрли ишни моддий томондан таъминлаш масалалари қандай ҳал этилади?

— Бу йилги мавсумда болаларни соғломлаштиришга 58,9 миллион сўм маблағ ажратилди. Маълумки 29,5 миллион сўми ижтимоий сугурта бюджетидан, 12 миллион сўми эса касаба уюшмаси бюджетидан ҳисобидан сарфланади. Ҳар бир йўланма учун касаба уюшмалари ўрта ҳисобда 1200 сўм, ҳужалик ташкилотлари ҳам деярли шунча маблағ сарф қиладилар. Демак бир болани шаҳардан ташқаридаги оромгоҳда 24 кун дам олдириш бизга деярли 2,5 минг сўмга тушади. Ота-оналар учун эса агар улар бирор корхона ёки ташкилотда ишласалар, улар шу қийматнинг 10 фоизинигина тўлайдилар, бу қиймат 60 сўмдан 120 сўмгача бўлган миқдорни ташкил этади. Қолган харажатлар касаба уюшмалари ва ҳужалик ташкилотлари ҳисобидан қопланади.

Ҳозирги кунда оромгоҳларни мавсумга тайёрлашда уларнинг ҳар бирини «Ўзбекгидрометеорология» бирлашмаси, метеоорония ва сув ҳўжалиги вазирлиги ва Гидрометеорология давлат қўмитаси мутахассислари ёрдамида тафтишдан ўтказиб, фақат хавф-хатардан мутоқо ҳоли бўлган оромгоҳларинигина мавсумга тайёрламоқдамиз.

Хуллас, ҳозирги кундаги барча ҳаракатимиз фарзандларимизнинг ёзи таътилини сермезмун ва мароқли ўтказишга қаратилган.

— Йил бўйи меҳнат қилган киши албатта меҳнат таътилини дам олиш масканларида ўтказишга ҳаққар қилади. Меҳнаткашлар дам олишини уюштириш борасида қандай чора-тадбирлар қўйилди?

— Меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш масалалари ҳам диққат марказида турибди. Шаҳримиздаги ва вилоятдаги барча дам олиш ва соғломлаштириш масканлари раҳбарияти билан уюшмамиз раҳбарияти ўртасида йил бошида бевосита шартномалар тузганмиз. «Сўқоқ», «Қумушқон», «Сумча» дам олиш уйлари, «Хумсон», «Тошкент минерал сувлари», Янгийўлдаги кардиология санаторийси ана шулар жумласидандир. Ҳозиргача бизга тушган буюртмаларни 100 фоиз баҳариямиз.

Бу йил меҳнаткашларнинг санаторий ва курортларда даволанишлари учун давлат ва ижтимоий сугурта бюджетидан 28 миллион сўмга яқин маблағ ажратилиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари меҳнаткашларни соғломлаштириш учун 36 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Бу йил уюшмамиз ўқувчиларни соғломлаштириш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширди. Ўқувчиларнинг киши ва баҳорги таътиллари даврида шаҳримиздаги ўқувчилардан 600 нафари «Хумсон» санаторийси, Янгийўлдаги кардиология марказида ўз саломатликларини тиклаб қайтидилар. «Чимён» саёҳат мажмуида юз нафар талаба йўлланма бўйича дам олиб қайтди. Ўтган йили талабалар лагерларида 3,5 мингдан ортиқ талаба ўз саломатликларини мустаҳкамлаган бўлса, бу йил ҳам шунча талабанинг саломатлигини мустаҳкамлаш мўлжалланмоқда.

Уйлаймизки, бу йилги ёз даврида меҳнаткашларнинг кўпчилиги ўз саломатликларини мустаҳкамлашлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун тегишли шартот яратилди.

Суҳбатдош Машхура МИРЗАМУХАМЕДОВА.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА БИРДИРУВЛАР

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ РАХБАРИЯТИ абонентлар, давлат корхоналари, ҳиссдорлик жамиятлари, фирмалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига, ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, фуқаролар телефонлаштирилган квартираларга қўчиб қирганларида, давлат, қўшма ёки хусусий корхона номи ўзгарганда

АБОНЕНТ НОМЕРНИ ЯНГИ ЭГАСИГА ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ТАРМОҒИДА

БИР ОЙ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. Ташкилотлар номи ўзгарганда телефонларни қайта расмийлантириш учун рўйхатга олишнинг амалдаги баҳосининг 20 фоизгача, олдинги телефонлар сонига қараб ҳақ олинади.

ҚўШИМЧА ОЛИНГАН ТЕЛЕФОНЛАР УЧУН РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲАҚИ 100 ФОИЗ ТЎЛАНДИ.

Био ижарага берилганда телефон қайта расмийлантирилиши шарт. Ижарачидан абонент ўзгарганлигига рўйхатга олиш ҳақи 100 фоиз ундириб олинади. Абонент номери эгаси билан номувофиқлик сезилганда бу телефон фойдаланиш учун бошқа ташкилот ва корхонага, юридик ёки хусусий шахсларга бериб юборилади.

Абонентлар телефондан фойдаланиш даврида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун сотиш-олиш шартномаларини инобатга олган ҳолда қайта расмийлантирилишдан қатъи назар ҳақ тўлашлари шарт.

12 ИЮНГАЧА

Краснопресненская, Дербент, Наманган, Кабардинск, Машинасозлар, Ўзбексельмаш, Ж.Обидова, Северцев, Муродов, Плеханов, Қизил Қўрғон кўчаларида яшовчи 62-АТС абонентларида телефон алоқаси бўлмайд.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолантириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1995-96 ўқув йили

9 ва 11-синфларни тугатган ўқувчиларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Гидрометеорологик радиотехника системаларини иш-

латиш», «Метеорология».

СИРТҚИ БЎЛИМГА 11 синфни тугатган ўқувчилар «Ме-

теорология» мутахассислиги бўйича қабул қилинади.

Техникумга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:

ариза, 086/У шаклидаги маълумотнома, 4 донa фотосу-

рат (3x4 см), маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси).

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ҲУЖЖАТЛАР 1

ИЮНДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН

БОШЛАНДИ.

Манзилгоҳ: 3. Қобулов кўчаси, 45-уй (14, 18,

148, 97-автoбуслар; 14, 10, 22-троллейбуслар; 27, 10-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бе-

кати.)

Телефонлар: 48-37-10, 48-07-21.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

2, 10 ИЮНЬ СОАТ 11.00ДА ОЧИҚ

ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

МАКТАБНИНГ БИТИРУВЧИ СИНОФ

ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ОТА-ОНАЛАР ТАКЛИФ

ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг манзилгоҳ: 3. Қобулов кўчаси, 45-уй (14, 18, 148, 97-автoбуслар; 14, 22, 10-

троллейбуслар; 27, 10-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати.)

Телефонлар: 48-37-10, 48-07-21.

Ҳамза туманидаги «ЭРКИН» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 43-46-07 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Яккасарой туманидаги «Шариф» фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 53-68-88, 53-60-98 рақамли телефонлар бўйича қабул қилинади.

Собир Раҳимов туманидаги «АЛИШЕРБЕК»

хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида Зиёмов кўчаси, 3-уйда қабул қилинади.

Яккасарой туманидаги кичик корхона «ВИТ»

фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 45-47-82 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

бошланиши лозим. Дарҳақиқат амалий ишларга имкониятлар бор. Янаш жойларида ҳозирда қурилаётган тўйхоналар, кичик корхоналар, савдо шохобчалари, чойхоналар бунинг исботидир. Лекин болалар майдончаси, спорт иншоотлари етарли даражадами? Айни пайтда шаҳримизнинг айрим ҳудудларида болалар спорт иншоотлари, ўйингоҳлар йўқлигидан вақтларини бекор ўтказмоқдалар. Тўғри, ҳозирги пайтда иқтисодий масала асосий эътиборда. Аммо бизнинг эртанги кунимиз факат қорин тўйғазиш ёки чиройли кийим кийиш билан белгиланмайдими. Юртбошимизнинг соғлом авлод ҳақида гапира туриб «Факат ишлаб чиқариш корхоналари куравермасдан, ҳеч бўлмаса болалар учун битта ўйингоҳ қурган одамни халқ учун хизмат қилди деса бўлади!», деган сўзларини эслаш жуда ўринлидир. Бир сўз билан айтганда барча ҳаракатлар амалда бўлиши керак.

♦ **Мухаббат Расулова, Кори-Нийзий номи Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг мактабгача тарбия бўлими мудири, руҳшунослик фанлари номзоди:**

— Аллома Ибн Синонинг жуда ибратли сўзи бор: «Инсон руҳиятини даволамай туриб унинг жисмини даволаб бўлмайди». Ҳақиқатан ҳам руҳият инсоннинг

ўзига хос ёндошувни аниқлаб беради. Педагог услубшунос йўналишига кўра тарбия ишларини олиб боради. Бу таърибанинг маъноси шу фикрни тасдиқлайдики, болани турли хил ўйинчоқларга қўчиб ташлашдан кўра аввало унинг ички ҳусусиятлари, руҳий талаб ва эҳтиёжларини аниқлаб шунга асосан иш қурган маъқул. Ҳозирги пайтда бу жараёнинг ўзини оқлаган ҳоллари ҳам кузатилди.

♦ **Маннон Мирзамухамедов, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг болалар кафедраси мудири, профессор, I даража**

«Соғлом авлод учун» ордени нишондори:

— Соғлом бола ҳақида гапирганда хоҳлаймизми-йўқми она ҳақида гапирмайложимиз йўқ. Бугунги кунда республикамизда туғиш ёшидаги 5 миллион 150 минг аёл бор. Ҳозирги пайтда улар экстрагенитал хасталиклари, дан сақланишлари учун тиббий қўриқдан ўттишмоқда. Таърибалардан шу нарса маълум бўлдики, 20 ёшдан 35 ёш орасида туққан аёлларнинг фарзандлари энг соғлом бўлар экан. Бугунги кунда энг асосий мақсад оналарнинг ўз фарзандларини кўрак сuti билан боқишларига тўлағиришдир. Чунки она сутида шундай моддалар борки, у болани турли юқумли хасталиклардан асрайди, болани онага бўлган меҳрини оширади, унинг ақлий-идроқий салоҳияти янада ошади. Эмизиш

нинг роли бениҳоя катта. Агар халқимиз тарихий маданиятига назар ташлайдиган бўлсак бунинг исботини кўришимиз мумкин. Халқимиз ўз ҳаётини мусикасиз тасаввур эта олмайди. Шунинг учун ҳам одамларимизда кўнгли юмшқоқлик ҳусусияти бор.

Мен болалар хор жамоаларида кўп йиллардан бери ишлаб келяпман. Шу нарсасига амин бўлдимки, мусика болаларнинг баркамол инсон бўлиб етишишларида катта аҳамиятга эга. Чунки у болани меҳр-оқибатга, биродарликка, ғурури бўлишга, бир сўз билан айтганда эзгу хислатлар соҳиби бўлишга чорлайди. Унинг асли вазифаси ҳам шундир балки. Мусика боланинг дилини очади, қобилиятини кашф этади, ривожлантиради. Дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак барча қобилиятли, буюк инсонлар ўз ҳаётларида мусикага ошно бўлганлар. Японияда болалар тарбияси мусикасиз ташкил этилмаслиги ҳам бежиз эмас. Мусика ёрдамида ҳулқи ёмон боланинг турғи йўлга кириб кетгани, яхши инсон бўлиб етишгани ҳоллари ҳам бўлган таърибамда. Болаларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш учун махсус мактабларда ўқитиш шарт эмас. Тарбия жараёнида бу соҳага оз бўлса-да вақт ажратилиши кифоя. Шунинг ўзи ҳам албатта ихобий натижалар беради.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ ёзиб олди.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Акмал Икромов туманида истикомат қиладиган, 1991 йилда туғилган Иброҳим Расулов қидирилмоқда. У 1995 йил 12 май куни уйдан чиқиб кетиб йўқолган.

Унинг бўйи 80 сантиметр, қора соч, оқ йўл-йўл шорт, «ғозча» сурати туширилган футболка, оқ пайпоқ, кўк сандалда бўлган. У ҳақда бирор маълумотга эга бўлганлардан 78-00-95, 78-20-71, 77-20-62 телефонлари орқали хабар қилишларини сўраймиз.

Чилонзор туман ички ишлар бошқармаси.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги	Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.	Маънавият: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.	Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.	Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва афзаллиги учун жавобгарлик қилиш ва шартларини таъминлаш.	Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўйлағидаги «Тошкент почтаси» шаҳар почта қоронғисининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.	Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қороз бегими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва сақланади. Нашр қўратқичи - 64690.	«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Шўрон» кўчаси, 44-уй.
--	---	--	---	--	--	---	---